Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 29 апрель, пайшанба • № 51 (24.446).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига сафари ниҳоясига етди. Уч кунлик ташриф давомида давлатимиз раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида иштирок этди, АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди, турли йирик халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Президент сафардан қайтаётиб, журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади. Дўстлик дегани эса оғалик ёки инилик даъвосини суриш эмас, балки бир-бирини тушуниш, бир-бирига кўмаклашиш ва ўзаро тенг ҳамкорликдир. Президент Ислом Каримовнинг АҚШга сафари айни муддаога эришиш йўлида мамлакатимиз учун, унинг эртанги куни учун муҳим аҳамият касб этади.



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи ҳақида гап кетганда, аввало унинг учта муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бинобарин, айни жиҳатлар мазкур сафарнинг моҳиятини очиб беради. Аввало, ташрифнинг бош сабаби — НАТО саммити ва ушбу тадбир асосида Ўзбекистон — НАТО муносабатлари ҳақида. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг фаол иштирокчиси саналади. Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-ўқув машқлари доирасида кечаяпти. Лекин биз кўзлаган мақсад НАТОга аъзо бўлиш эмас. Бунинг иккита сабабини айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликдир. Президент Ислом Каримов бу масалани янада содда қилиб тушунтириб айтдики, бирорта ўзбек аскари ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил можароларда иштирок этмайди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий-жўғрофий ҳолати ҳам бирор бир ҳарбий блокка кириш амалига тўғри келмайди. Яъниким, мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, бу минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиб қўйиши мумкин. Гарчанд минтақамиздаги айрим давлатлар ўз саъй-ҳаракатлари билан минтақа хавфсизлигига раҳна солаётган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти буларга қарши ҳаракат қилмаслигини очиқ-ойдин маълум қилган. Аксинча, бизнинг мақсадимиз минтақамизда тинчлик ва барқарорлик бўлишини, халқимизнинг ҳақиқий эркин ва фаровон ҳаётга эришишини таъминлашдир. Бу борада нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Осиё минтақаси давлатлари ичида энг кўп жон куйдираётган мамлакат Ўзбекистон, десак муболаға ҳам, нокамтарлик ҳам бўлмайди. Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу — давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Бугунги кунда дунёдаги 19 мамлакат НАТОнинг тўлақонли аъзоси саналади, қирққа яқин давлат ушбу алянс билан ҳамкорлик қилади. Мазкур Шимолий алянс билан, НАТОга аъзо ҳамда унга шерик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Ислом Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида сўзга чиқиб, Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун зарур омилларга алоҳида тўхталиб ўтди. Аввало, йигирма йилдан бери давом этиб келаётган ва минтақа хавфсизлигига катта таҳдид солаётган афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиздир. Агар Европанинг бирор бир нуқтасида кичкинагина жанжал чиқсаю уч-тўрт киши қурбон бўлса, масала дарров жаҳоншумул аҳамият касб этади. Ҳолбуки, Афғонистонда кунига юзлаб одамлар уруш туфайли ҳалок бўлаётгани жаҳон аҳлида унчалик ҳам катта ташвиш туғдирмаётгани ажабланарли. Фикримизча, бунинг сабаби жаҳон хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлигидадир. Ўзбекистоннинг, қолаверса бошқа давлатларнинг ҳам НАТО билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётгани айни мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Негаки, биз истаймизми йўқми, бугунги кунда НАТО дунёдаги ҳар қандай зўравонликка ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қарши тура оладиган ягона ташкилот бўлиб қолаяпти. Хусусан, Босния воқеалари НАТОнинг дунё учун керакли-гини аниқ-тиниқ исбот қилган эди.

Иккинчидан, ядро қуролига эга давлатлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Негаки, кейинги вақтда Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари кишини ташвишга солади. Учинчидан эса, минтақада диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Айтиш мумкинки, бугун айнан диний экстремизм ва фундаментализм ер юзидаги кўплаб урушлар, можароларга ҳаво бериб турибди. Тўртинчидан эса, тероризм ва зўравонлик, қуроляроғ ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашни кучайтириш зарур. Айни шу масалаларда Ўзбекистон НАТОнинг ва унга шерик бошқа давлатларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

Бир сўз билан айтганда, НАТО бугунги кунда умуминсоний қадриятлар, демократия йўлида собит бораётган давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хизмат қиладиган халқаро институтдир. Бундан буёғига ушбу алянс ҳарбий эмас, балки кўпроқ сиёсий ташкилот сифатида обрў-эътибор қозонса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда, ташкилот доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг келгуси асрдаги фаолиятига доир режалар шундан далолат беради.

Ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати хусусида, яъни Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ташкилотлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларига тўхталиб ўтсак. Қизиғи шундаки, илк учрашув Ислом Каримов ўтирган самолёт ҳали манзилга етиб бормасданоқ бўлиб ўтди. Яъни, давлатимиз раҳбари сафар чоғида Голландия пойтахти — Амстердамда тўхтаб ўтди ва бу ерда Европа Иттифоқи Комиссияси Комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда, асосан Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиё мамлакатларининг коммуникация имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

24 апрель куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон, Грузия, Озарбойжон, Украина ва Молдова Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув самараси ўлароқ, Грузия, Украина, Озарбойжон ҳамда Молдова ўртасидаги ҳамкорлик тузилмасига — Ўзбекистон ҳам қўшилди. Демак, бундан буён бу тузилма ГУУАМ, деб юритилади. Ушбу тузилма ўзаро жўғрофий жойлашувга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, коммуникацияни ривожлантиришдир. Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарларининг 1997 йил Страссбургда бўлиб ўтган учрашувида тузилган ушбу бирликнинг дастлабки келишуви Ғарбга қурол-яроғ тарқалишининг олдини олиш бўйича бўлган эса-да, ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари сезиларли даражада кенгайди. Мазкур бирлик доирасида ҳамкорлик қилиш, бизга, айниқса, коммуникацияни ривожлантириш учун муҳим. Биламизки, транспорт коммуникацияси масаласи денгиз портларидан узоқда жойлашган Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боисдан Ўзбекистон Буюк Ипак йўли, ТРАСЕКА доирасидаги ишларда

(Давоми 2-бетда)



1 май куни мамлакатимиз пойтахтида кураш бўйича жаҳон чемпионати бошланади.

Ўзбекистон полвонлари

Сор келбатли кучга тўлган билакларим,
Шижоатда арслонсифат юракларим,
Қуйларимга қуйилмоқда тилакларим.
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Қонингизда Алпомишнинг қони оқар,
Жалолиддин шиддатлари дилни ёқар,
Мухлис сиғмас майдон фақат Сизга боқар,
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Шу гапимни нақ юракка ёзиб қўйинг,
Ориятни тумор қилиб тизиб қўйинг,
Гиламларда рақибларни эзиб қўйинг,
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Ватан асли отамиздан қолган Ватан,
Курашларнинг ҳадисини олган Ватан,
Полвонлари фақат ғолиб келган Ватан,
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Давраларда мағрур сизнинг мард бошингиз,
Тоғни қучар кенг ёйсангиз қулочингиз,
Жасоратда ибрат бўлсин юртбошингиз,
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Сиз-ку юртга ёйган элнинг номин,
Азиз юртнинг обрўси-ю, шараф-шонин,
«Ё пирим» денг!
Тангри қўллар қани, Омин!
Бўш келманг-эй Ўзбекистон полвонлари!

Сайёра ТЎЙЧИЕВА

Ирода Японияни мафтун этди

Иқтидорли теннисчи Ирода Тўлаганова Японияда ўтказилган халқаро мусобақаларда ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. У «Джапан Оупен» халқаро баҳсининг якунловчи учрашувида таиландлик Сушон еран Прайсетни 6:3, 6:0 ҳисобида енгиб, муваффақият қозонди. Кейин 17 ёшгача бўлган теннисчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида австриялик, кичик тўп устаси Кэтринг Доунсни 7:6, 6:2 ҳисобида доғда қолдириб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Гулфия ЖУМАБОЕВА

Наманганда халқаро шахмат

Наманган халқаро спорт мусобақалари масканига айланмоқда. Куни кеча бу ерда «Фючерс» халқаро мусобақаси ўтказилганди. Энди ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг байроғи ҳилпирамоқда. Мусобақада Малайзия, Вьетнам, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Австралиядан келган шахматчилар ўзаро куч синашмоқда. Мамлакатимизнинг 12 нафар спортчиси ҳам мусобақага пухта ҳозирлик кўрган.

— Мусобақани ўтказиш учун барча шароитлар яратилган, — дейди халқаро шахмат федерацияси вакили, чемпионат бош ҳаками малайзиялик Ҳамид Масжид.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Турон маликалари нафосати

Бухородаги «Олимпия» спорт мажмунда бадиий гимнастика бўйича «Ўрта Осиё маликалари» чемпионати бўлиб ўтди. Қизларнинг нафис ва нафосатга бой чиқишлари олқишларга сазовор бўлди. Турон маликаларининг бу баҳсида шахсий ҳисобда қозоғистонлик Елена Рогожина билан Валерия Хайрулина биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Бухоролик Феруза Шарипова билан Қозоғистонлик Аида Красникая учинчи ўринни олишди. Умумжамоа ҳисобида қозоғистонликлар биринчи, Ўзбекистон теннисчилари эса иккинчиликни қўлга киритишди.

Даврон БАҲРОНОВ

Долзарб масалага бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи институтлари ходимларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда академия ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуасига қарашли Тил ва адабиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ, Тарих, Иқтисод, Шарқшунослик институтлари ҳамда музейларнинг раҳбарлари, етакчи олимлар иштирок этди. Уни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, академик Т. Жўраев олиб борди.

Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, Олий Мажлис депутати, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов юртбошимизнинг сессиядаги маърузасида XXI аср бўсағасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги вазифалар теран белгилаб берилганлигини таъкидлади.

Мажлисда давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён этилган қоидалар асосида Фанлар академияси институтларида ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантиришнинг бугунги ва истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

(ЎзА)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Нодавлат дорихоналар ўзини оқлаяптими?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 6 февралдаги «Нодавлат дорихоналар ўзини оқлаяптими?» сарлавҳали мақоласи юзасидан махсус текширув ҳайъати ташкил этилди. Текширув натижасида, ҳақиқатдан ҳам Қашқадарё вилояти дорихоналарида, мақолада кўрсатилган камчиликлар ўрин тутиши аниқланди ва уларни бартараф этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 1999 йил 12 февраль куни Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоят «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмаси бошқарув ҳайъатининг қўшма мажлиси ўтказилиб, мақолада келтирилган камчиликларга атрофлича баҳо берилди ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Текширув ҳайъати томонидан 51 та дорихона фаолияти ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 8 та дорихона фаолияти тўхтатилди ва уларнинг лицензияларини бекор қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензия ҳайъати томонидан иш юритилмоқда. 13 та дорихона фаолиятини чуқур тафтиш қилиш мақсадида тегишли ҳужжатлар шаҳар ва туман солиқ инспекцияларига тақдим этилди.

Қашқадарё вилояти бўйича 1998 йил давомида 201 та дорихоналарнинг фаолияти ўрганиб чиқилган бўлиб, текширув натижаларига кўра 53 та дорихона фаолиятларини тўла тафтиш қилиш учун солиқ идораларига тавсияномалар юборилган, 28 та дорихона раҳбарларига ҳайфсан эълон қилинган, 24 та дорихона фаолияти тўхтатилган.

1999 йил 15 мартда вазирликнинг «Дори воситалари сифатини яхшилаш тўғрисида»ги 163-сонли буйруғи имзоланди. Буйруққа биноан республиканинг барча вилоятларида мақолада келтирилганга ўхшаш камчиликларни олдини олиш мақсадида тегишли мутасадди шахсларга аниқ вазифалар юклатилди.

Ҳозирги кунда вазирликнинг фармацевтик фаолият учун лицензия бериш ҳайъати томонидан республикадаги барча дорихоналар, уларнинг мулкчилик туридан қатъи назар, лицензияларини қайта расмийлаштириш жараёни олиб борилмоқда. Бунда, мақолада келтирилган Қашқадарё вилояти дорихоналарига алоҳида эътибор берилади.

Ҳақиқатдан ҳам, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чет эл препаратларига бериладиган қайд этиш гувоҳномаларига «Ушбу гувоҳнома қайд этилган препаратнинг сотиб олинишида ҳеч қандай кафолат ўрнини боса олмайди», деб ёзилган. Бундай изоҳ халқаро меъёрларга асосан, нафақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, балки қатор МДҲ ва Европа мамлакатлари томонидан бериладиган қайд этиш гувоҳномаларида ҳам ёзилади. Дори воситалари сотиб олиш масаласи эса талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тендер комиссияси томонидан амалга оширилади. Қайд этиш гувоҳномаси дори воситасининг мазкур давлатлар тиббиёт амалиётида қўлланилишига берилган рухсатномадир. Гувоҳномада «Дориларнинг сифатини ёки унинг таъсирини кафолатламайди», деб ёзилмаган. Дори воситаларининг сифатига қўйилган талаблар, шунингдек, уларнинг таъсир доираси вазирлик томонидан тасдиқланадиган меъёрий таҳлил ҳужжатлари ва дорини қўллаш тўғрисидаги йўриқномалар билан кафолатланади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини
Д. АСАДОВ

Ёш олимлар анжумани

Куни кеча ЎзРФА тарих институтида, ёш тарихчи олимларнинг илмий анжумани бўлиб ўтди.

Йиғилишда институт директори тарих фанлари доктори М. Исоқов маруза қилди.

Анжуман тўртта секцияда ўз ишини давом эттирди. Айниқса «Ўзбекистон мустақиллик йилларида» деб номланган секцияда ўқилган маърузаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Жумладан, ёш олим Шавкат Раҳматуллаев билан суҳбатлашиб, ушбу анжуман тўғрисидаги фикри билан қизиқдик.

— Ёш олимларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларни тарихга бўлган қизиқишини, эътиборини янада кучайтириш, анжуманнинг асосий мақсадларидан биридир.

Тарихчи олимларнинг анжумани ўз ишини якунлади.

Ойгул СУЮНОВА

Тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда)

фаол иштирок этяапти.

Ислом Каримовнинг «Эксимбанк» президенти Ж. Ҳермон билан мулоқоти, шунингдек, Капитолийда Ўрта Осиё ҳамда Кавказ давлатлари раҳбарлари билан бирга АҚШ сенаторлари билан учрашуви ҳам ташрифнинг муҳим воқеаларидан бўлди. Шу ўринда, АҚШ сенаторлари билан бўлган учрашув ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Сенатор Сэм Браунбэк учрашувни очар экан, айни вақтда АҚШ сенати «Буюк Ипак йўли — XXI аср» номли қонун қабул қилишга чоғланаётганини маълум қилди. АҚШнинг Буюк Ипак йўлига қизиқаётгани хайрли, албатта. Табиий бир савол туғилади: нега Буюк Ипак йўли орадан икки минг йил ўтиб яна муҳим стратегик аҳамият касб этяапти? Сабаб шуки, бугун бу йўлдан нафақат мазкур минтақа давлатлари, балки Европа мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам катта манфаат топиши мумкинлиги тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Давлатимиз раҳбари сенаторлар билан учрашувда сўзга чиқиб, йиғилганларнинг эътиборини Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга қандай омиллар, кучлар халал бериши мумкин, деган масалага қаратди. Сир эмаски, айрим мамлакатлар Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларининг Ғарбга томон янги алоқа коридорларига эга бўлишини хоҳламайди. Айниқса, мазкур минтақадаги нефть ва газни жаҳон бозорига чиқариш учун янги йўналишларнинг пайдо бўлаётгани уларнинг пайтавасига қурт тушираётир. Иккинчидан, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мазкур минтақа мамлакатларида тарқалиши ва бунинг асосида юзага келадиган беқарорлик ҳам давлатларимизнинг ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларига путур етказиши мумкин. Учинчидан эса, айрим давлатлар ҳамон шовинистик кайфиятдан халос бўла олмаётгани билан боғлиқ. Улар минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолиш учун турли амаллардан фойдаланяпти. Бу ҳаракат эса Буюк Ипак йўлини тиклаш, ўзаро интеграциялашув йўлидан бораётган давлатларнинг мақсадига зид. Ва ниҳоят, Осиёдаги айрим давлатлар ўз стратегик мақсадларини кўзлаб Буюк Ипак йўлининг тикланишига ва ривожланишига халал бериши мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда юқорида тилга олинган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Ўзбекистон Президентининг Жаҳон банки гуруҳи Президенти Ж. Вулфенсон, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш. Сугисаки билан олиб борган музокаралари ҳам ғоят самарали бўлди.

Ниҳоят, сафарнинг яна бир муҳим жиҳати — Ўзбекистон-Америка муносабатлари ҳақида. Давлатимиз раҳбарининг ташриф давомида АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожида муҳим аҳамият касб этажаги шубҳасиз. Хусусан, Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувни алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ўринда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақидаги айрим фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги вақтда бу икки мамлакатнинг бирбирига сезиларли даражада яқинлашгани кузатилди. Бу сунъий эмас, балки табиий жараёндир. Ёдимизда, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда АҚШдаги айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистон ҳукумати сиёсатидан хийла норозилиги сезилиб турарди. Бугунги кунга келиб эса бундай кайфият ўрнини хайрихоҳлик эгаллади. Зеро, муносабат бир-икки кунда ўрнатилмайди, бунинг учун йиллар керак. Бугун АҚШ Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори ҳисоблайди. Бунинг сабаби нимада? Ислом Каримов бунинг сабабини изоҳлар экан, ушбу ҳол Ўзбекистон танлаган йўл тўғри, юритаётган сиёсатимиз эса изчил ва оқилона эканининг оддий бир исботидир, деди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам.

Лекин Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида ҳаракат фақат бир томондан бўлаяпти, дейиш ғустоҳлик бўлур эди. Бугун нафақат Ўзбекистон АҚШ билан, балки Америка ҳам биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаат топиши турган гап. Шу хусусда сўз кетганда, бир гапни айтиб ўтиш керак. Ўзбекистоннинг АҚШ билан яқинлашишга интилиши ҳеч қандай давлатга қарши қаратилган эмас. Бу ҳақда Ислом Каримов 1997 йил россиялик журналистлар билан бўлган учрашувида очиқ-ойдин баёнот берган эди. Нафсиламрини айтганда эса, Америка Қўшма Штатларига нафақат биз, балки дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас билан қараши рост. Негаки, бугунги кунда бу давлатдаги ривожланиш, одамларнинг турмуш шароити, фан ва техника, замонавий технология ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга уч кунлик сафари, ташриф давомида бўлиб ўтган қизғин учрашувлар, муҳокама этилган масалалар замирида бир ҳол кўзга яққол ташланиб турди: Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун ҳамкорликни янада кенгайтириш, кафолатларни янада кучайтириш лозим. Шу боис бўлса керак, ҳеч бир учрашув ёки тадбирда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш масаласи четлаб ўтилгани йўқ. Зеро, хавфсизлик дегани фақат ҳарбий маънони англатмаслиги барчага маълум ҳақиқат. Хавфсизлик ва барқарорлик бор жойга эса сармоя келади, тараққиёт келади, ҳаёт олдинга қараб силжийди. Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлик қилишдан кўзда тутган мақсади ҳам шу. Кези келганда, НАТО ҳақидаги айрим фикрларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай эканини билдириб ўтсак. Айрим мамлакатлар НАТОни «агрессор»ликда айблаётганидан хабаримиз бор. Айниқса, унинг Югославияга қарши ҳужумидан кейин бундай ауҳанносларнинг саси янада кучайгандек. Лекин кимки бугунги кунда НАТОни «душман» сифатида қабул қилар экан, бу шубҳасиз ўша давлатнинг айбидир. Негаки дунёнинг 19 та демократик, тараққий топган давлати аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилотни муросасизликда айблаш нотўғри. Буни НАТОга кирган давлатлар қандай мамлакатлар, деган савол асосида англаса бўлади. Уларнинг бирортаси Европа тупроғида уруш бўлишидан манфаатдор эмас. Косово муаммосининг илдизини эса бундан ўн йил олдинги воқеалардан қидириш керак. 1989 йил Слободан Милошевич косоволик албанларнинг мухториятини йўқотиб, бу ҳудудда уруш оловини ёққан эди. Югославияда бугунги нотинчликларнинг сақланиб туриши ҳам ўша ўн йил олдинги сиёсатнинг давом этаётгани натижасидир. НАТОнинг кимларгадир хавфли кўриниши ажабланарли ҳол. Агар ушбу алянс чиндан ҳам хавфли бўлганида, у Шарққа томон кенгаймаган, қанча-қанча давлатлар эса унга аъзо бўлишни сабрсизлик билан кутмаган бўлар эди.

Сўзимиз бошида айтганимиздек, Ўзбекистон НАТО ёки АҚШ, ёхуд бошқа халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан шу маънода манфаатдорки, бу бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз, фаровон ҳаёт кечиришимизни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар бир-икки кунда ўз самарасини бермаса, буни ҳам тўғри тушуниш керак. Негаки, бугун қилинаётган барча ишлар эртанги кун, келажак авлод учундир. Келажак авлод эса Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт!

* * *

27 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Вашингтон — Тошкент.
Суратларда: ташриф пайти.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар

Вужуддаги ўқ парчаси янглиғ

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимиз пойтахти Тошкенг шаҳри марказида Хотира майдони барпо этилмоқда. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангга отланган, жангоҳлардан қайтмаган ўзбек йигитлари, улар олдидаги бизнинг бурчимиз, мажмуада ўз аксини топган.

Уруш аёллари, уруш болалари, уруш туфайли ҳамон бахтсиз бўлиб қолган инсонлар, уларнинг дарду ўйлари, изтироблари мана орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтсада, ҳамон жангчининг жисмида қолган ўқ парчаси сингари бизни қийнайди...

Хотира майдонига кираверишда инсоният тарихининг энг оғир кунлари рамзий маънода акс этган мармар лавҳа ўрнатилган. Майдон йўлагининг ҳар иккала томонида шарқона айвонлар барпо этилган. Айвон деворларидаги меҳробларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан кетган, жанглардан қайтмаганларнинг исм-фамилиялари, туғилган йили, вафоти битилган хотира китоблари ўрнатилган.

Майдон ўртасида эса хотирамиз янглиғ мангу олов ёниб турибди. Йўлакларга қип-қизил гуллар экилган. Майдоннинг умумий руҳи барча

Хотира — муқаддас қадрият

тасаввурларингизни туташтиради. Майдон ўртасида она ҳайкали қад ростлаган. Онанинг нигоҳларида ғам-қайғу муҳрланган. Мотомсаро она, кутиш деган дарднинг оғирлигидан қадди букилган. У уруш аёли. Фарзандларига нон топиб беролмаган,чимилдиғи йиғилмай қолган, фарзандини то умрининг охиригача кутган, дард ва изтироб юзларига муҳрланган уруш аёли у.

Она ҳайкали ортида мажнунтоллар бош эгиб турибди. Ғам, қайғу, она нигоҳидаги изтироб мажнунтоллар билан уйғунлашиб кетган, гўё.

Биз бир туйғуни англаб етмоғимиз керак. Фақатгина истиқлол туфайли биз миллий қадриятларимиз, тарихий хотирамизни тикламоқдамиз.

Биз яна бир туйғуни англаб етмоғимиз керак. Бу Президентимиз томонидан ўтмиш аждодларимизга кўрсатилаётган беқиёс эҳтиром. Уларнинг йиллар давомида ўрнига қўйилмаган ҳурматини бажо келтиришидир. Юртбошимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарларида шундай ёзадилар: «Маънавиятини тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриш учун инсонга, албатта тарихий хотира керак». Бугун мана шу пурмаъно сўзлар замирида Хотира майдони барпо этилди.

Хотира майдонининг умумий руҳи бутун инсониятни огоҳ бўлишга, Уруш жароҳатлари XX асримизни қаритган бўлса-да, ҳамон одамларни уйғоқликка чақиради.

Машҳур шоирамиз Зулфия айтганларидек:

Кўкрак сути ва меҳнат билан,
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш.

Хотира майдони уруш бошимизга солган жароҳатларни авлодларга мангу эслатиб туради.

Майдондаги сўнгги ишлар якунланмоқда.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП хабари

Ёшлар ва жамият

Юнусобод туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, республика ёшлари «Камолот» жамғармасининг туман бўлими, Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази «Ёшлар ва жамият» мавзусида семинар-мулоқот ўтказди.

Уни туман ҳокими муовини В. Латипов очди. Шундан сўнг Тошкент Молия институти ректори, академик Мурод Шарифхўжаев «Ёшлар ва таълим», Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директорининг муовини, юридик фанлари доктори Жуманазар Холмўминов «Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари». Тошкент Автомобиль ва йўллар олийгоҳининг кафедра мудири, профессор, тарих фанлари доктори Жаводилла Ибодов «Диний экстремизм ва ҳозирги замон» мавзуларида қизиқарли маруза қилдилар. Семинар-мулоқот савол-жавобларга бой бўлди.

Ҳамид АБРОРИЙ

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Котиб янгиланди

— Ишчиларимиз ойлик маошларини ҳар доим ҳам ўз вақтида олишаётгани йўқ. Албатта бунинг сабаблари бор. Ишлаб чиқаришдаги тўхташлар, хомашё тақчиллиги ва бошқа сабабларга кўра шундай бўлаяпти, — деди Фарғона шаҳридаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ЎзХДП бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан шу бирлашма бош директори А. Абдуллаев, — Корхонамизда меҳнат қилаётган юздан ортиқ ХДП аъзолари мушкул аҳволдан чиқиш йўлида жон куйдириб ишламоқдалар. Шу кунларда бирлашмамиз фаолиятида рўй бераётган ижобий силжишларда уларнинг ҳиссаси катта.

— Ёшларимиз Халқ демократик партияси сафларига интилмоқдалар, — дейди йиғилишда сўзга чиққан «Камолот» жамғармаси котиби Н. Орзиқулов, — бирлашма ХДП бошланғич ташкилоти билан бирга жуда кўплаб тадбирларни бирга ўтказамиз. Улар бизни доим қўллаб-қувватлашади.

Бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Йўлдошевнинг ҳисобот маърузаси муҳокамасида сўзга чиққан бош директорнинг транспорт бўйича ўринбосари М. Аъзамов, ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши котиби Л. Денисова ва бошқалар ҳисобот давридаги бошланғич ташкилот, унинг котиби фаолиятини ижобий баҳоладилар. Шу билан бирга ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилоти фаолиятида йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида бирлашма ЎзХДП бошланғич ташкилоти бюро аъзолари сафини кенгайтириш хусусида қарор қабул қилинди. Бошланғич партия ташкилотининг янги котиби этиб И. Денисов сайланди.

Шуниси муҳимки, йиғилишда 18 нафар ёш ишчи-хизматчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қабул қилинди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Маънавият — тараққиёт асоси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент тумани кенгаши қуйи бўғинларда маънавий-маърифий ишларни янада жонлантиряпти. Яқинда Ал-Бухорий номли жамоа хўжалигида «Маънавият ва маърифат» маркази иш бошлагани фикримизнинг исботидир.

— Ҳозирги шароитда ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, улар салоҳиятини юзага чиқариш муҳим аҳамият касб этади, — дейди марказ раҳбари, хўжалик партия ташкилоти котиби Нормурод Нарзуллаев.

Айни кунларда марказ хўжалик аъзолари, ёшлар вакиллари билан гавжум. Марказнинг тарғибот гуруҳи аъзолари Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси ва сессия материалларини меҳнаткашларга тушунтирмоқдалар. Бу жонли мулоқотларда Жаббор Ҳусенов, Лида Абдуллаева, Баҳодир Жалолов, Омон Орипов, Муҳаббат Раҳмонова сингари тарғиботчилар фаоллик кўрсатишяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Клипми бу,

Ҳар нарсада сабаб ва мақсад бўлади. Ушбу мақоланинг бундай номланиши ва ёзилишига сабаб, оила даврасида «зангори экран» кўриб ўтирувдик. Хонанда куйлаяпти. Унга жўр бўлиб эса бир гуруҳ йигит-қизлар турли хил бачкана, ярашмаган хатти-ҳаракатлар қилаяпти, янги клип. Уларни кўриб отамнинг хафсалалари пир бўлди. «Бу нима қилиқ?». Мен ҳазил аралаш дедим: «Қилиқ эмас, ота, бу клип». 7 яшар ўғлим эса қиқирқиқир кулади. Бирдан ҳушёр тортдим. Йўқ, бу ахир жуда жиддий масала-ку. Зеро мусиқа инсон руҳиятига, керак бўлса тарбиясига кучли таъсир этадиган маънавий қудрат. Европа ёзувчиларидан бири «Агар Пушкин ёшлигида бувиси Арина Радионованинг эртакларини эмас, олатасир Европа эстрадасини тинглаб ўсганида, ундан Пушкин эмас, Дантес чиқарди», деган эди.

Бу гапда мусиқанинг инсон тарбиясидаги роли жуда ёрқин ифодаланган. Кейинги йилларда қўшиқларнинг мазмуни, ғоявий-бадиий жиҳатлари, уларнинг тингловчи маънавиятига таъсири каби мавзуларда матбуотда кўп ёзилди. Бу мақолада фақат клип ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Мен 15 йиллар илгари Чехословакияда бўлганман. Клип деган нарсани илк бор ўша ер телевидениесида кўргандим. Унда хонанда машина ҳайдаб, чўмилиб, ётиб, овқатланиб ҳам қўшиқ айтаверади. У пайтлар бизнинг хонандалар саҳнада, аскарча термин билан айтганда «смирно» туриб қўшиқ айтишарди. Ортиқча хатти-ҳаракатлар қилишмасди. Давр нафаси билан бизга ҳам клип билан қўшиқ айтишлар кириб келди. Бу ёмон эмас, албатта. Аксинча, хонанда ўзини анча эркин қўйиб куйлаши, орқа фонда турли ҳолат, кўриниш — шаклидаги ранг-барангликлар қўшиқни таъсирчан ва жозибали чиқишини таъминлайди, тингловчини ром этиб, зерикишига қўймайди. Лекин ҳамма нарсада меъёр бўлса яхши-да. Бунинг устига биз Шарқданмиз. «Шарқона» деган сўз бизнинг ҳар бир ишимиз, хатти-ҳаракатимизда бош сифат бўлиши лозим. Шу жумладан, клипларимизда ҳам.

Тўғри, бизда томошабинларимизнинг дидига мос, қўшиққа қўшимча «ранг», ҳатто «жон»

Фирибгар «устоз»лар

...Жабрдийда Муҳаббат Ёқубова гувоҳлик беради: «Мен 1997 йил 29 август куни опамникига — Боғот туманига меҳмондорчиликка бориб, эртасига яна уйимга — Хива туманига қайтиб келдим. Қарасам, уйда ҳеч ким йўқ. Бир кундан кейин эрим Алишер келди ва: «Мен мусулмон қизга уйландим, сени талоқ қилдим. Менга Худо демаган болалар керак эмас. Ҳаммангиздан воз кечдим», — деди. Ҳайрон қолдим. Икки нафар фарзандимни ўйлаб турмуш ўртоғимни бу йўлдан қайтаришга аҳд қилдим ва у яшаётган манзилни излаб топиб бордим.

Не кўй билан кўрайки, эримнинг янги уйида қўшнимиз Наргиза ҳижобга ўранган ҳолда ўтирибди. Мен ундан «Сени менинг уйимга ким олиб борди?», — деб сўрасам, у «Мени Баҳром оғам олиб борди», — деди. Наргизага бу хато йўлингдан қайт, икки нафар фарзандимни кўчада қолдирма, деб ёлвордим. У эса беписарволарча: «Мен Алишерга Худо учун, дин учун тегдим. Бу йўлимдан қайтмайман, мени болаларинг қизиқтирмайди», — деди...

Кейин билсам Баҳром деган йигит эримга мени талоқ қўйдирган ва уни Наргиза билан шаръий никоҳлаб қўйган экан. У ошнолари — Абдуллажон (асли миллати корейс, исми Славик) ва унинг хотини Надяхонлар билан биргаликда ҳар куни қайсидир манзилларга даъват қилишга кетар эканлар. Оилам бузилмасин, болаларим тирик етим қолмасин деган мақсадда эримни кундошим билан ўзим яшаётган хонадонга келтириб, биргаликда яшай бошлаганимиздан кейин ўз кўзим билан кўрдим. Улар ҳар куни ўша танишлари билан қайларгадир динни даъват қилиш учун кетишарди...»

Баҳром Қурёзов 1974 йилда Хива шаҳрида туғилган, маълумоти саккизинчи синф, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди. Айни пайтда Хива шаҳар кичик туманидаги 17-уйнинг 11-хонадонида яшовчи Зоҳидов Алишернинг тинч оиласини бузиб, унинг қонуний никоҳини ўзича бекор қилиб, шаръийчасига уйлантириб қўйган. Ким Славик, Пак Надя каби «диндор» ниқобидаги ҳамтовоқлари билан тил бириктириб, ёшларни экстремистик оқимга даъват қилиш билан шуғулланиб келган. Унинг уйи тинтув қилинганда диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган турли адабиётлар, шунингдек, 296,2 грамм миқдорида гиёҳванд модда топилди.

Хива тумани Ал Хоразмий жамоа хўжалигининг иккинчи бўлимида яшовчи Отаев Қосимбой ҳам динни ниқоб қилиб фаолият кўрсатишда Баҳромдан қолишмайди. У Урганч Давлат университетида таҳсил олаётган турмуш ўртоғи Отамуротова Ҳабибанинг фуқаролик ҳуқуқларини чеклаб ҳамма вақт ҳижоб ёпинган ҳолда

Сув тошқини

Сел оқибатида Хитойдаги Хунан вилоятининг катта қисми сув ичида қолди. Вилоятдаги 66 минг гектар экин майдонини сув босди, гидроэлектр станциялар ва кўплаб уй-жойларга жиддий шикаст етди. Қурбонлар ҳам бор.

Ўтган йили ёзда ҳам Хитойда сув тошқинлари юз берган, бунинг оқибатида 3656 киши ҳалок бўлган, бир неча миллион турар жой, маъмурий бинолар, ўн минглаб кўприк ва ирригация иншоотлари яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ўшанда кўрилган умумий иқтисодий зарар 225 миллиард юанни (31 миллиард АҚШ долларига тенг) ташкил этган эди.

Грузия ЕКга аъзо

Страсбургда Грузияни Европа Кенгашига (ЕК) расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Шу билан мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар сони 41 тага етди.

Маросим доирасида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ЕК Парламент Ассамблеяси раиси Рассел-Жонстон ва Европа Кенгаши Бош котиби Дениэл Таршис билан учрашди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаришвили «Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва инсон эркинликлари асослари тўғрисида»ги конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатга ҳам имзо чекди.

Анжуман бўлади

27 май куни Боннда Болқон минтақаси муаммолари бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтади. Минтақада барқарорлик масалалари анжуманнинг асосий мавзуи бўлади, деди Германия ташқи ишлар вазирлиги вакили Мартин Эрдман журналистлар билан суҳбатда.

Халқаро анжуманда ЕИ, ЕХХТ ва халқаро молиявий ташкилотлар ҳамда Югославия билан чегарадош давлатлар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Анжуманда расмий Белград вакилларининг иштирок этиш ё этмаслиги ҳали аниқ эмас.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Тинчликни муқаддас билиб

Худди шу кунларда тинчлик тарафдорларининг I Умумжаҳон конгресси бўлиб ўтганига 50 йил тўлди. Ушбу анжуманда қабул қилинган Тинчлик учун кураш манифести Ер юзида хавфсизлик, осойишталик учун кураш ҳаракатини бошлаб берган эди. Ўша кезлари бундай ҳаракат беқиёс тус олган, барча қитъаларнинг кўплаб мамлакатларидаги юз миллионлаб тинчлик тарафдорлари бу ҳаракатда жўшқинлик кўрсатишганди.

Кишилик ҳаётида шундай воқеалар бўладики, уларни унутиш ҳам, улардан йироқлашиш ҳам мумкин эмас. Тинчлик тарафдорларининг бундан ярим аср олдин ўтган тарихий йиғини — I Конгресси ҳам ана шундай воқеалардан бири бўлган эди. XX асрнинг 40-йиллари охирларида одамлар Иккинчи жаҳон урушининг оғир оқибатларини бошидан кечирганлари, урушнинг азоб-уқубатларини чекканлари боис тинчлик ёшу қари учун бирдек қадрли эди. Шунингдек, уни кўз қорачиғидай асраш, ядровий ҳалокатни даф этиш инсоният олдида турган биринчи юмуш сифатида кун тартибига чиқди. Бу курашга ўша даврнинг атоқли сиёсат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари бош-қош бўлишганди.

Яхшиямки, XX асрнинг сўнгги йилларида жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда эсган ўзгаришлар шамоли туфайли дунё бирмунча хавфсизроқ бўлиб қолди. Тинчлик ва хавфсизликка хизмат қилувчи қатор халқаро йиғинлар бўлиб ўтиб, кўпгина битим ва шартномалар қабул қилинди. Женева ва Мадридда ўтган тарихий анжуманлар, ядро қуролларини тарқатмаслик, ядровий синовларни ман этиш, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги битимлар ва бошқалар шулар жумласига киради. Лекин, бу ҳали муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Ҳали ҳам ҳарбий омборларда катта миқдорда оддий қурол-аслаҳалар, ядровий, биологик, кимёвий қуроллар сақланмоқда. Ялпи ва ядровий қуролсизланиш амалга оширилгани йўқ. Ядровий қуроллар тугатилмай туриб эса тинчлик ҳеч қачон мустаҳкам бўла олмайди. Халқлар фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган режаларни фақат тинчлик шароитидагина тўла амалга ошириш мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг аҳамияти янада бўртиб кўринади.

Афсуски, иккита даҳшатли жаҳон уруши содир бўлган юз йилликнинг кўплаб муаммолари янги XXI асрга ҳам мерос бўлиб ўтмоқда. Шулардан бири ядровий ҳалокат хавфидир. Ана шу муаммонинг ўзиёқ тинчлик ва хавфсизлик ҳимоясини энг долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Маълумки, жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари қатори мамлакатимиз ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ сайёрамиз осойишталигини сақлаш, тинчликни мустаҳкамлаш, низоли халқаро муаммоларни тинч воситалар билан ҳал этиш борасида астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида тинчлик ва хавфсизликка хизмат қилувчи кўплаб тадбирлар амалга оширилди, таклифлар илгари сурилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48- ва 50-сессияларидаги нутқида Афғонистон можаросини тинчлик йўли билан ҳал этиш, Ўрта Осиёни ядро қуролларидан холи зонага айлантириш тўғрисида киритган таклифлари халқаро жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Бир сўз билан айтганда, тинчлик ўзбек халқи учун ҳамиша энг олий неъматдир. Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон халқи ҳаётимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда бундан кейин ҳам қатъий туради. Бу йўл — тинчлик ва барқарорлик йўлидир. Барча қўшни мамлакатлар, барча давлатлар билан амалий дўстона ҳамкорлик йўлидир.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Вашингтонда НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда иштирок этганлиги, ушбу сафар чоғида бўлиб ўтган мулоқотлар, расмий учрашувлар ана шу йўлнинг катта истиқболга эга эканлигини яна бир карра исботлаб берди.

Талъат СОЛИЕВ



Қўш чўққилар

Дорихўр Килнер

Ҳаммамиз биламизки, кўп дори истеъмол қилиш ҳам соғлиққа зарар. Аммо бу ақидани америкалик Килнер деган одам пучга чиқарди. У шу бугунгача 360 мингта турли-туман дори истеъмол қилган. Ҳатто бу дориларнинг ёрлиқларинида йиғиб юрган.

Бироқ қизиғи шундаки, шунча дори истеъмол қилса-да, унинг соғлиғига путур етмаган. Ҳозир шифокорлар бунинг сабабини аниқлай олмай, лол қолишмоқда. Ва охир оқибат Килнернинг номини Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га тиркаш билан ўзларини овутишмоқда.

Шахта ўпирилиши натижасида

Украина Республикасининг Енакиеводаги шахталаридан бирида катта ҳажмда кўмир ўпирилиб тушиши натижасида ҳалок бўлган уч нафар кончининг жасади топилди.

Фалокат вақтида ўша ҳудудда бўлган яна тўрт киши қутқарувчилар томонидан қидирилмоқда.

Луқма

ҚИЛИҚМИ?

бағишлайдиган маъноли, ажойиб клиплар бор. Буни инкор этмоқчи эмасмиз. Лекин гоҳида шундайлари ҳам бўладики, юмшоқроқ айтганда ҳафсалангизни пир қилади. Шунда беихтиёр «бу нима қилиқ, қанақа майнавозчилик», деб юборгинг келади. Биз-ку шундай деймиз, лекин уни кўраётган болалар, ёшлар-чи? Хонданинг беўхшов, бачкана ҳаракатлари, клип ижрочиларининг ҳар хил бад қилиқлари ёшларнинг тарбиясига, дидига салбий таъсир қиладику. Саҳнада кийиниш маданияти масаласида ҳам шундай нуқсонлар мавжуд. Ярим яланғоч ёҳуд ўзига ярашмаган ажибужи либосларда чиқиш ҳам томошабиннинг таъбига хуш келмайди. Шу ўринда яна Шарқ ва Ғарбни солиштиришга тўғри келади. Машҳур комик актёр Чарли Чаплин ўз қизига ёзган мактубларининг бирида «Санъат ҳаққи, саҳнага яланғоч чиқсанг ҳам майли» деган экан. Бизда шу гапни Шарққа мослаб «Санъат ҳаққи, саҳнага яланғоч чиқманг» дейиш мумкин. Бунда санъатнинг қадри тушган эмас, аксинча ортган бўлади. Клипларда баъзан кўз-кўз қилгандай ҳашаматли хонадонларнинг зебу-зийнатларини, чет эл машиналарини намойиш қилиш ҳам кўпларнинг ғашига тегади.

Биз аниқ фактлар келтириб ўтирмадик. Бундай фактларни ҳар бир киши ўзи кўрган ва кўриши мумкин. Мақоладан мақсад: гўзал санъатга ана шундай ярашмаган қусурларнинг аралашиши олдини олиш. Зеро, бизнинг маънавиятимиз ривожида бунинг ҳам қатта таъсири бор.

Дилшод РАЖАБ

никоби йиртилди

юришга, ўқишни ташлашга мажбур қилган. Энг ёмони, Отаев ўз атрофига Ҳамробек Абдусатторов, Алишер Солаев, Қаҳрамон Худойберганов, Дилшод Отаев, Самандар Отамуротов, Журъат Нурматов, Абдулла Нурматов каби ёшларни тўплаб, мунтазам равишда диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғояларини, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришга хизмат қилувчи маълумотларни тарқатиш билан шуғулланиб келган.

Абдулло Румий номли қабристон масжидини ўзи учун «бош штаб»га айлантириб, бу ерда ёшларга ваҳҳобийлик руҳидаги адабиётларни ўқиб беради.

Унинг фирибгарлик билан мазкур масжидни гўё янгидан таъмирлагандек бўлишини кўрган содда ёшлар уни савобталаб киши, Оллоҳ йўлидаги мўмин деб қатъий ишонади. Уларнинг ишончи паймол бўлган пайтда эса кеч бўлганди...

Ички ишлар бўлими ходимлари 1999 йилнинг 25 февраль куни тинтув ўтказганларида фуқаро Отаев Қосимбой истиқомат қилаётган хонадондан 12 дона турли диний адабиётлар, қўлёзмалар, видео ва аудио кассеталар, 59 грамм миқдорида гиёҳвандлик моддаси, шунингдек, турли калибрдаги ўқлар топилиб, эл орасида «ном қозонган» «диндор»нинг ҳақиқий қиёфаси ошкор бўлиб қолди.

Ўзининг тарихий обидалари, меъморий кошоналари, қадим бой тарихи билан оламга машҳур Хивадан ана шундай динни ниқоб қилган кимсаларнинг бир-икки нафар бўлса-да, топилгани аянчли ҳолдир. Яхшиямки, маҳалла фаоллари, ички ишлар идоралари, турли жамоатчилик ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан бузғунчилар кирдикорлари очиб ташланиб, бу йўлга адашиб кирган айрим ёшлар тинч меҳнат, фаровон оиласи қучоғига қайтарилди. Уларни йўлдан урган ва ўзларининг ақидапарастлиги билан юртимиздаги тинч ҳаётни бузишни мақсад қилган кимсалар эса энди одил суд олдида жавоб беради.

Мадиёр ИСМОИЛОВ,
Хива шаҳар, туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи,
милиция майори.
Саъдулло БОБО,
журналист

Тегирмонбошидагилар бир амаллаб эмас,

яхши яшаш пайида

Бунга улар экинлар ҳосилдорлигини тобора ошириб бориш, қишлоқда янги иш жойларини яратиш йўли билан эришишмоқчи

Агар гўзал Ўзбекистонимизнинг кокилларини икки азим дарё — Сирдарё ва Амударё ювиб турса, Сариосиё кокилларини икки тоғ дарёси — Тўполанг ва Обизаранг ювиб туради. Оппоқ соқолли кексалар бу ерларни Тегирмонбоши, деб ҳам юритишади. Зеро, икки тоғ дарёси бўйида бунёд этилган тегирмонлар бу ернинг халқига насиба бериб турарди-да.

Сурхондарё воҳасининг шимолида жойлашган бу туман меҳнаткашлари ўзларининг ризқ-насибаларини ҳалол меҳнат билан яратмоқдалар. Бунга эса ҳосилдорликни ошириш, пахтанинг тезпишар ва ҳар қандай мураккаб шароитларга чидамли бўлишини таъминлайдиган технологияни яратиш йўли билан эришишмоқчи.

Ҳақиқий ижодкор — деҳқоннинг ўзи

Биз Сариосиёга қуёшли кунларнинг бирида бордик. У ердаги одамлар ҳаво очиқ келган ҳар бир кунни ғанимат билиб, чигит экишни жадаллаштиришаётган экан. Бинобарин, туман тоғ этакларида жойлашгани боис баҳор серёғин келади. Намгарчилик юқори. Ҳарорат бошқа туманларга нисбатан 3-4 даража паст. Тупроқ шароити оғир.

Шу боис ҳам пахтакорлар ғанимат кунлардан унумли фойдаланадилар. Чигит экиш эса 10-15 кунга кечикади. Лекин, тез униб чиқишига эришадилар. Минерал ўғитларнинг тупроқдаги харакатчанлиги хисобини яхши билган сариосиёликлар уни чигит экиш пайтидаёқ ерга соладилар.

Лекин ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўядиган кимсалар ўғитни ерга солмай, сотиб юбориш пайида бўлади. Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Қосимжон Холдоровнинг шахсан ўзи дала айланиб, бундай ҳолларга вақтида чек қўйган пайтлар ҳам кўп бўлган.

— Мана бу буғдойзорни кўряпсизми, — дейди ҳоким. — Сарғайиб ётибди. Ўғит берилмаган. Энди бошқа бир аҳволни кўринглар, — деди ён атрофдаги томорқалардан бирига бошлар экан. Ушбу томорқадаги экинлар кўриб турганингиздек яшнаб турибди. Олди бошоқлаб қолган. Демак, хўжалик экинзорига тушиши зарур бўлган ўғит бу ёққа оқибди. Ахир дўконларда кимёвий ўғит сотилмайди-ку. Албатта, кўпчиликнинг ҳақидан ўмаришади-да, ноинсофлар.

Сариосиёликлар ғўзани суғоришга ҳам шошилмайдилар. Деҳқончилик тажрибасидан маълумки, ғўза ниҳоллари эрта суғориладиган бўлса, патак ildизлари кўпайиб кетади. Асосий ildизлари тупроққа чуқур томир отолмай қолади. Попук ildизлар эса ишлов бериш пайтида зарарланади ва ғўза ўсишдан тўхтаб қолиши мумкин. Шу боис ҳам, ўқ ildизни ўстириб олишга ҳаракат қиладилар. Дастлабки сув эса ғўза шоналагандан сўнггина берилади. Ана шунда иссиқ ҳароратда ҳам ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормайди. Кузда эса далаларда мўл ҳосил етилади. Албатта, 90-100 кун давомида бошқа агротехник тадбирлар ҳам, парвариш ҳам, суғориш ҳам ўз вақтида давом эттирилади.

Гарчи бу ерда одатда пахта бошқаларникидан кечроқ етилса-да, теримга кечроқ киришилса-да, пахта қийғос очилган далаларда терим авжига чиқади. Суръат эса тобора ошиб боради. Қунига йиллик режанинг 4-5 фоизи миқдорида пахта тайёрланади, йиллик режа эса ҳаммадан олдин уддаланади. Бурноғи йили шундай бўлганди. Туманда қисқа муддатда йиллик режа бажарилиб, ҳар гектар майдондан 33 центнердан хирмон уюлди. Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Ҳосилдорлик эса 34 центнерга кўтарилди.

Тумандаги кўпгина хўжаликлар ширкат хўжалигига айлантирилганлиги ҳам ютуқларга асос бўлди. Иш эса оилавий пудрат асосида йўлга қўйилди. Харажатлар чек тизими орқали назорат қилиб борилади. Бу ҳар бир деҳқоннинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. Айтиш керакки, ўтган йили туман пахтакорлари мўмайгина даромад олишди. Оилаларга ҳам барака кирди. Демак, ишнинг кўзини билганларнинг ошиғи олчи экан.

— 9,5 минг гектар суғориладиган майдонимиз бор, — дейди Қосимжон Холдоров. — Ана шу майдонларда етиштирилган ҳосилдан тушган даромад туманнинг 145 минг аҳолисини боқиши керак. Шу боис биз пахта-буғдойни алмашлаб экиш тизимини жорий қилдик. Кузда ғўзапоядан бўшаган майдонлар тезда ҳайдалиб кузги буғдой сепилади. Ёз ойи бошларида эса энг сара, энг тоза ғалла ўриб оламиз. Ҳозир биз ғалла ҳосилдорлиги бўйича вилоятда етакчи ўринга чиқдик. Масалан, ўтган йили ҳар гектар майдондан қирқ центнердан хирмон кўтардик. Айни пайтда қирадирлардаги лалми ғаллаларимиз ҳам гуркираб ўсиб, бошоқлаб қолди.

Бир амаллаб эмас, яхши яшаш пайида бўлаётган туман аҳолиси ҳар қандай имкониятдан тўлиқ фойдаланишга интилмоқда. Чунончи, ота-боболардан қолган касб — боғбонсоҳибкорликни ҳам қайта тикламоқдалар. Кейинги йилларда боғ-роғлар кўпайтирилди. Ҳатто, лалми ерларда ҳам мева-узум етиштиришни ўрганиб олдилар. Шу боис яқин 2-3 йил ичида мева етиштиришни 10 бараварга оширсалар ҳеч ким ажабланмаса керак. Албатта, илғор кишиларнинг ташаббуси бундай эзгу ишларга қанот бўлади. Масалан, Ғулат Хидиров номли хўжаликнинг Носир Тўрақулов бошлиқ ширкатчилари 4,5 гектарлик боғдан ўтган йили икки миллион сўм даромад олишди. Бу йил эса адирликда 100 гектарлик олмазор бунёд этилди. Отахонлар бу олмазорни Президент боғи деб аташди. Бу йил туманнинг тоғолди ҳудудларидаги 500 гектарлик олмазор қийғос гулга кирди.

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида

Айтмоқчи, ўтган йили ғалладан бўшаган 1000 гектар майдонда кунгабоқар етиштирилганди. Ана шу мўл ҳосилдан мой ажратиб олинаётганини эшитиб қувондик. Бу ерда кўплаб кичик корхоналар, цехлар ҳам ишлаб турибди. Секин-аста ишсизликка барҳам бериб бориляпти.

Туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳолининг манфаатига хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам одамлар эртанги кунга, XXI асрга умид билан қадам ташлашмоқда.

Тўполангда нима гап?

Бундан 20 йиллар аввал Тўполанг дарёси тўсилиб, Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудларини обиҳаёт билан тўла таъминловчи Тўполанг сув омбори қурилармиш, деса ҳеч ким ишонмасди. Ахир режа бўйича бу сув омбори Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Бойсун, Олтинсой туманларидаги 127,4 минг гектар майдонни суғориш имкониятини беради-да. Бундан ташқари 25,7 минг гектар янги ерлар ўзлаштириш кўзда тутилган эди.

Ниҳоят, 1982 йилда кўпчиликка эртак бўлиб туюлган ишга ҳам киришилди. Ўшандан буён қанчадан-қанча вақт ўтди. Кўплаб сув-сойлар оқди. Ўша пайтда туғилган чақалоқлар балоғатга етди. Шу боис ҳам қурилиш нега бунчалик чўзилиб кетди, деган саволлар туғилиши мумкин.

Дарров айтиб қўймоқчимиз: ушбу иншоот ўта мураккаб тоғ шароитида амалга оширилаётгани сабабли узоқ йилларга мўлжалланган эди. Аслида сув омборида 500 миллион кубметр оби-ҳаёт тўпланиши керак. Тўғон баландлиги 183 метрни ташкил этади.

Ўтган йиллар ичида қурилишда мисли кўрилмаган катта ишлар бажарилди. Авваламбор улкан тўғонни тиклаш ҳақида гапирсак. Тўғонни бунёд этишда маҳаллий тупроқ ва тоғ тошларидан ҳамда мустаҳкам жинслардан фойдаланиляпти. Бетон ва темир-бетон эса 160 минг кубметрни ташкил этиши керак. Ҳозиргача тўғоннинг баландлиги 120 метрдан ошди.

Тоғлар орасида бажарилган ишларни кўриб ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Бу ерда салкам 15 километрлик сув ўтказиш туннеллари қазилибди. Бунинг учун қанчадан-қанча тоғ жинслари олиб чиқилган. Эҳ-ҳе, тасаввур этиш қийин. Диаметри 4,5 метрли ва узунлиги 850 метрли туннелдан сув ўтиши керак. Бу ерга ўрнатилган улкан қувурларни эса исталган пайтда очиб-ёпиш мумкин. Тўполанг сув омбори қурилиши ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Муродқул Ашрапов ва етук мутахассис Ҳазратқул Шарипов билан туннеллар бўйлаб машинада сайр қилар эканмиз, улар бизга қурилиш жараёни ҳақида тушунтириб боришди. Маълум бўлдики, ана шу улкан қурилиш туфайли Сариосиёда кўплаб янги иш ўринлари пайдо бўлган. Бетончи, пайвандчи, кранчи, ҳайдовчи... Қурилиш бошланган йилларда бу ерда собиқ СССРнинг турли бурчакларидан келган кишилар меҳнат қилишарди. Ўзимизнинг ёшлар эса Россиянинг Можайск шаҳрида ҳунар ўрганиб қайтишарди. Ҳозир эса барча ишларни шулар бажармоқда. Уларнинг сони мингдан зиёд. Улкан «БелАЗ»лару кранларни маҳаллий ёшлар бошқаришмоқда. Электр пайвандчилардан Мурод Турдиев, Амрулло Ғафуров, Неъмат Хўжаев, Шерали Мелибоев, экскаваторчилардан Рамазон Меликулов, Сайдали Қурбонов, Кенжа Умбаров, бульдозерчилардан Наби Маннонов, Ҳуррам Расулов, Нусрат Шафиев, «БелАЗ» ҳайдовчилари Эшмўмин Авазов ва Абдусалом Авазовлар қурилишнинг ҳақиқий маънодаги қаҳрамонларидир. Қурилишни жадал суръатлар билан давом эттириш, унинг муддатини қисқартириш мақсадида барча ишлар илғор усулларда ташкил этилган. Бу ерда бригада пудрати усулида меҳнат қилинмоқда. Иш эса уч сменада ташкил этилган. Суръат юқорилигидан, шу йилнинг биринчи чорагидаёқ 163 миллион сўмлик иш бажарилди. Бош пудратчи — Тўполанг сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси жамоасининг ўзи 102 миллион сўмлик иш бажарди. Қолган ишларни ёрдамчи пудратчилар амалга оширишмоқда.

— Биласизми, — дейди Тўполанг сув омбори қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Абдуғани Сангинов, — бунёдкорлик ишларида Тошкентдан, Қашқадарёдан, Самарқанддан, қўйингчи, бутун мамлакатимиздан келган қурилиш ташкилотлари иштирок этяпти. Биз тезкор суръатни таъминлаш учун ишчиларга барча шароитларни яратиб беряпмиз. Ойлик маошлар ўз вақтида бериб бориляпти. Яхши ишлаганларга мунтазам равишда мўмайгина мукофотлар ҳам тарқатиляпти. Бундан ташқари оғир шароитларда меҳнат қилаётганларга бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Меҳнат таътилига чиққан одамларга эса мамлакатимизнинг энг сўлим оромгоҳларига йўлланма бериляпти. Болалар боғчалари, мактаблар, ошхоналар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, маданият саройлари ишлаб турибди. Қолаверса, сув омбори ёнида Фарҳод шаҳарчаси, Сариосиёнинг ўзида, Тўполанг сув омборини ишга туширувчилар учун эса яна бир шаҳарча бунёд этилди.

Айтмоқчи, Тўполанг сув омбори билан бирга гидроэлектр станция ҳам қад ростлаяпти. Ҳозиргача бу ерда каттагина ишлар бажарилди. Аслида ГЭСнинг тўртта агрегати 2005 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Бунёдкорлар эса тезроқ самара олиш йўлида сув йўлини қисқартириб, ГЭСнинг дастлабки икки агрегатини 2000 йилнинг ноябрь ойида ишга туширишмоқчи. Бугунги кунда қурилишга юқори кучланишли симлар орқали электр энергияси келтирилаётган бўлса, икки агрегат ишга тушгач, ҳосил қилинган электр энергияси ўз навбатида кўплаб истеъмолчиларга сотилади. Агар ҳар бир агрегат соатига 15 минг киловаттдан электр энергияси ишлаб чиқаришини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда қурилишга кўплаб маблағ келиши мумкин. Ўз-ўзидан бунёдкорлик ишларига республика бюджетидан олинадиган маблағ ҳам тежаб қолинади.

Яна бир гап. Бугунги кунда республикамизнинг кўплаб корхоналари қурилишга ёрдам беряпти. Лекин айрим корхоналар шартнома шартларини бажармаяпти. Жумладан, бошқарма металл конструкциялари учун Бекобод металлургия комбинатига 4 миллион 682 минг сўм пулни аллақачон ўтказиб қўйган эди. Бироқ, комбинатдагилар 5,5 ойдан бери шартномани бажармаяпти.

Лекин ана шундай қийинчиликларга қарамай, бинокорларнинг ниятлари шуки, барча ишларни 2005 йилгача якунлаш. Ана шунда Сариосиё Ўзбекистоннинг наинки, пахта ва ғалла, балки сув ва электр энергия масканига айланади. Ана ўшанда Тегирмонбошидагиларга ҳамма ҳавас қилади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Суратларда: Тўполанг сув омбори қурилишидан лавҳалар

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 29 aprel, payshanba • № 51 (24.446).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Боболар руҳи мададкор

Ватанимиз пойтахти унутилмас ва бетакрор хайрли воқеа арафасида. Яна бир кундан кейин биринчи марта кураш бўйича жаҳон чемпионати байроғи кўтарилади. Қисқа муддатда минглаб ёшларни ўзига ром этган кураш ошуфталари шу кунларда Тошкентга ошиқмоқдалар. Куни кеча мусобақада иштирок этиш учун етиб келган япон полвони, оғир вазнли Хироваши Камимото ўз дил сўзларини баён этар экан: «Бир замонлар ўзбек спортчилари дзю-до бўйича жаҳон ва олимпиада чемпиони бўлишган эди. Мана энди замона зайли билан ўзбекона кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлишни биз японлар ҳам орзу қилиб турибмиз. Бу ҳаммаси Ўзбекистон дея аталувчи келажаги порлоқ бир мамлакатда спортга алоҳида эътибор қилинаётганидан нишонадир».

Ҳа, Тошкент аэропортида меҳмонлар билан бўлиб ўтган суҳбатлардан шу нарса аён бўлмоқдаки, ҳақиқатдан ҳам кураш тезкор суръатларда оммалашиб, курраи замин бўйлаб ёйилмоқдаки, бундай ривожланиш яқин орада спортнинг бу турини олимпиада баҳслари сирасига киритилишидан дарак беради, десак муболаға бўлмас. Тошкент мусобақасини эса юқори савияда ташкиллаштириш мўлжалланган. Бугун-эрта Эрон, Болгария, Лондон, Киев, Нью-Йорк, Пекин, Бразилиядан полвонларнинг келиши кутиляпти.

Халқаро кураш ассоциацияси Низомида ана шундай сўзлар баён этилган: «Мақсад курашни ҳар томонлама ривожлантириш, турли мамлакатларга ёйиш, спортнинг мазкур турига хайрихоҳ мамлакатлар, расмий ташкилотлар билан яқин алоқа боғлаб, уларга техник расмий ва моддий кўмак бериш кўзда тутилган». Дарвоқе, мазкур нуфузли ташкилотнинг қароргоҳи Тошкентда бўлиб, унинг мутасаддилари ташкилий ва тадбирий юмушларни жаҳон андозаларига мос равишда рўёбга чиқармоқдалар. Мақсад курашнинг халқаро мақом олиши бежиз эмаслигини намойиш этиш. Халқимиз ҳақиқатан ҳам беллашишга ошуфта. Муҳлислар Собир Қурбонов, Сайфиддин Ходиев, Хушвақт Рўзиқулов, Нурмуҳаммад Юсупов, Бобомурод Файзиев сингари таниқли полвонлар номини ҳурмат билан тилга оладилар. У ёғини сўрасангиз курашнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Манбаларда қайд этилишича, боболаримиз эрамиздан аввалги IV асрлардаёқ кураш завқини ҳис этган эканлар. Айниқса, Амир Темур салтанати даврида кураш кенг ривожланган. Вамберининг таъкидалишича: «Соҳибқирон юришларининг собитлиги ва зафарлари буюк саркарданинг Мовароуннахрда миллий курашни ҳар жиҳатдан оммавийлаштиришга эътибор билан қарагани билан боғлиқдир». Паҳлавон Маҳмуд, Сапалоқ, Қоратош полвонларнинг довруғи кенг ёйилган. Шунинг учун ҳам кураш Турон ошиб, олис-олисларга тарқалган. Қозоқ, қирғиз, туркманлар круиз деб атасалар, Озарбойжонда гюлеш, грузинлар чидоба, Туркияда қорақозоқ, руслар самбо, мўғиллар сирлем, корейслар сирим, японлар сумолари билан фахрланадилар. Мана энди бундай миллий курашлардан уйғунлашган ўзбекона замонавий курашни полвонлар эътироф этмоқдалар. Юртимизда миллиондан ортиқ ўғлоннинг кураш билан шуғулланаётгани ҳам бежиз эмас. Ўйлаймизки, биринчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатида полвонлар ажиб завқдан баҳраманд бўлиб, Тошкент беллашувлари тамошоларини дилларига туядилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Ватан ҳақида

Ватан тушунчаси пайдо бўлибдики, қўлига қалам олган киши у ҳақда фақат энг соф туй-ғуларни қоғозга туширади. Ватан ҳақида ёмон фикрларни айтган ёки ёзган одам топилмаса керак.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 567-болалар боғчасида бўлиб ўтган тадбирнинг асосий мавзуси ҳам Ватан ва Ватанга муносиб бўлиб яшаш, аниқроғи, ватанпарварлик ҳақида бўлди.

— Мазкур тадбирга боғчада тарбияланаётганларнинг ота-оналари, Тошкент шаҳар ҳамда туман халқ таълими бўлими вакиллари, Республика «Камолот» жамғармасидан ташриф буюрганлар жажжи, нав-ниҳол фарзандларимизнинг юртимиз ҳақида жўшиб куйлаган шеър ва қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 24.045 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0265

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Маънавиятимиз чашмалари

Китоб — содиқ дўст

Ўзбекистон фани тарихида чуқур из қолдирган атоқли ўзбек файласуфи, йирик олим Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбекистондаги табиий- илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар» номли китоби «Фан» нашриётида чоп этилди. Ушбу китоб Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожининг қарийб минг йиллик даврини ўз ичига олган. Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тарихига оид маълумотлар чуқур илмийлиги ва холисона ёритилганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, Иброҳим Мўминов /1908-1974/ мустабид тузум даврида яшаб ижод этди. Олим Ўзбекистон Фанлар академиясида 18 йил вице-президентлик лавозимида ишлаб, бевосита ижтимоий-гуманитар фанларга раҳбарлик қилди. Буюк соҳибқирон Темурнинг фаолияти, маданият ва маънавият соҳасидаги хизматларини илк бор холисона ёритганлиги учун тазйиқларга учради. Бу тазйиқ ва танқидларга қарамасдан ўз фикрида қатъий турди. Китобда Ўрта Осиёда IX-X асрларда табиий-илмий ва ижтимоий- фалсафий фикрларнинг таҳлилига алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас. Зероки, бу даврларда илм-фан гуркираб ўсди, қадимги жаҳон маданияти, фалсафий фикрини ўрганиш кучайди, жаҳон фанига катта ҳисса қўшган йирик алломалар Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмийлар яшаб ижод этди. Иброҳим Мўминов юқоридаги мутафаккирларнинг фалакиёт, ҳандаса, риёзиёт, тиббиёт, фалсафа соҳасидаги қарашларини ҳар томонлама, араб ва форс тилидаги манбалардан фойдаланган ҳолда чуқур таҳлил қилди.

Китобда Иброҳим Мўминов Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимоти ва унинг йирик намояндалари Юсуф Ҳамадоний, Ҳожи Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Мирза Бедилнинг тасаввуфий қарашларини манбалар асосида таҳлил қилиб берди. Айниқса, унда тасаввуфдаги ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатлар алоҳида таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, рисолада нақш-бандийлик таълимоти, ундаги илм-фан, касб-ҳунарни эгаллаш, имонли-эътиқодли бўлиш, софдиллик, меҳр-шафқат, қаноат, саховат тўғрисидаги фикрлар муфассал ёритилган.

Китобда мустабидлик йилларидаги тазйиқларга қарамасдан буюк Соҳибқирон Амур Темурнинг фаолияти, маданият ва маънавият соҳасидаги хизмати илк бор холисона ёритилган.

Мана шундай тарихий-ижтимоий муҳитда ўзбек халқининг машҳур намояндалари Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилиб берилган. Улуғбекнинг илму фан, фалакиёт соҳасидаги хизматлари, айниқса, 1428 йилда ишга тушган расадхонаси ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Шуниси эътиборга моликки, олим Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи ҳақида биринчилар қатори манбалар асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Улуғбек ва унинг мактаби, шу жумладан Али Қушчининг математика, геометрия-ҳандаса, география, астрономия соҳасидаги хизматларини холисона таҳлил қилиб берган.

Булардан ташқари, Иброҳим Мўминовнинг тадқиқотида Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг адабий-ижтимоий фикрлари, улар дунёқарашидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқ, хулқ-одоб ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари батафсил тадқиқ қилинган.

Рисолада Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий фикр ривожига катта ҳисса қўшган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг пантеизми, табиий-илмий қарашлари, ижтимоий-сиёсий қарашларининг муҳим хусусиятлари, дунёқарашининг кейинги даврларда-ги аҳамияти ишончли далиллар асосида очиб берилган. Шунингдек, китобда Аҳмад Дониш ва Фурқатнинг ижтимоий-фалсафий ва маърифатпарварлик қарашларига кенг ўрин берилган. Бизнинг назаримизда, Иброҳим Мўминовнинг ушбу рисоласи ва унда кўтарилган ғоялар ўзига хослиги, долзарблиги, ёш олимлар, тадқиқотчилар учун ибратомузлиги билан ажралиб туради.

Иброҳим Мўминов Шўролар даврида, синфийлик ва партиявийлик тамо-йиллари ҳукм сурган даврда ижод қилишига қарамасдан маънавий меросимиз ва унинг йирик вакиллари дунёқарашини, уларнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини, асарларидаги инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини кўрсатиб берди.

Иброҳим Мўминовнинг ушбу рисоласида олға сурган ғоялари, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри ҳақидаги тадқиқотлари мустақиллик шароитида ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. У фалсафа фани ва умуман маънавиятимиз ривожига муҳим ҳисса қўшиши шубҳа-сиздир.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Фозилхон НИЗОМОВ,
фалсафа фанлари номзоди

«Ҳикмат» ўйланмаси

Ёйлар бўйича марказ томон:

1. Сайроқи парранда. 2. Жўхоридан тайёрланадиган қовурма. 3. Тахминан бир гектарга тенг қадимий ўлчов бирлиги. 4. Қозоғистон жанубидаги тарихий шаҳар. 5. Давлат рамзларидан бири. 6. Ғарбий ярим шардаги давлат пойтахти. 7. Тантанали кун. 8. Дала меҳнаткаши, нознеъмат бунёдкори. 9. Хушбўй уруғи новвойчиликка ишлатиладиган бир йиллик ўсимлик. 10. Ўқув қуроли. 11. Ҳимояланиш қуроли. 12. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 13. Ранг-баранг тусли ҳонаки қуш. 14. Иш ҳайвонларига ортиб юк ташиш учун ясалган чорқирра идиш. 15. Қимматбаҳо нарсалар сақланадиган жой. 16. Маҳсулот сероблиги. 17. Ип ўрами. 18. Гўшт маҳсулотини осиб қўйишда фойдаланиладиган мослама. 19. Ҳисоб илмидаги вазифа. 20 Овропадаги давлат пойтахти. 21. Иншоот, мезана шаклидаги баланд бино. 22. Кузпишар тоғ меваси. 23. Бадиий каштадўзлик буюми. 24. Деҳқончилик қуроли.



МУАММОНОМА: Аввало қуйидаги ҳикматларда келтирилиб, рақамлар билан ифодаланган сўзларни топиб, оқ-қични ечинг.

Абу Райҳон Беруний:
1. Билим 5,1,10,19,1,17,3,13 ва такрорлаш мевасидир.

Алишер Навоий:
2. Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ 11, 1, 6,5 ғамидин ғами.
3. Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам, жонларига моял 14,1,17,8,2,9 бўлғил.
4. Қардошинг эмас улки қўюб бош сенга,
Давлат чоғи қилғай ўзини 5,4,6,14,2,13 сенга.
5. Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил 7,12,6 битса,
Булбулга тикандек, ошён бўлмас эмиш.
6. Эл молин ўзинга мол билгин,
Хайлин ўзинга 1,16,6 билгин.

Паҳлавон Маҳмуд:
7. Кимдаки бўлмаса 20,1,8,2,9,1 ғами.
Ё оламдан эмас, ё эмас одам.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:
8,15,2,17,3 элга яхшилик қилғинки шундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Ҳайдар Хоразмий:
9. Ҳар на яхшилик қилсанг қилки 18,17,19 учун,
Ўзингдан ортиру ўзгага бермоқ учун.

Энди жавоб сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан соат мили йўналишида ўқиш билан мумтоз шарқ мутафаккир шоири Мирзо Абдулқодир Бедил қаламига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Адабий» ўйланманинг жавоблари:

1. Нутқ. 2. Қисса. 3. Аруз. 4. Зуллисонайн. 5. Нақл. 6. Лоф. 7. Фард. 8. Девон. 9. Назм. 10. Муншаот. 11. Тажнис. 12. Сонет. 13. Туюқ. 14. Қолиплаш. 15. Шеър. 16. Рукн. 17. Новелла. 18. Афсона. 19. Адабиётшунослик. 20. Кўчим. 21. Мажоз. 22. «Зарбулмасал». 23. Лапар. 24. Радиф. 25. Фахрия. 26. Ялла. 27. Адиб. 28. Бахши. 29. Илҳом. 30 Муаммо. 31. Очерк. 32. Куллиёт. 33. Тарих. 34. Хаттот. 35. Тадриж. 36. Жангнома. 37. Асар. 38. Роман. 39. Нома. 40. Алла.

Муаммонома: Асарлар номи:
1) «Мажолис ун-нафоис»
2) «Мезон-ул-авзон».
3) «Муфрадот». — Муаллифи Алишер Навоий

Янгийўлдаги А.Навоий номли 4-ўрта мактаб томонидан 1994-95 ўқув йилида Нодир Юсупович Қурбонов номига берилган АО 228518 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси «Қибрай» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қ. Холмирзаевга волидаи муҳтарамаси

БУСОЛИҲА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати - «Голос Узбекистана» газетаси соврини

Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади

Май ойининг дастлабки кунларида мамлакатимиз спорт ишқибозлари ажойиб мусобақанинг гувоҳи бўладилар. Олмалиқ шаҳридаги «Қалмоққир» йўлида 1-2 май кунлари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг якунловчи босқичи ўтказилади. Эрталаб соат 10.00 да бошланадиган бу мусобақалар кўпчиликда яхши таассурот қолдириши кутилмоқда. Чемпионат доирасида энг кучли мотопойгачиларнинг «Голос Узбекистана» газетаси соврини учун беллашувлари ҳам бўлиб ўтади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этишга, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилишга катта эътибор берилаётир, — дейди Тошкент шаҳри ва вилояти «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти кенгаши раиси Б. Расулов. Бу ўринда «Ватанпарвар» ташкилоти тизимларининг аҳамияти катта. Масалан, бугунги кунда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида 29 та спорт-техника клуби, ўнлаб спорт турлари ривожланган еттита мактаб фаолият кўрсатмоқда. Бу ёшлар қалбида техникага муҳаббат, ўз Ватанининг ҳақиқий фидойиси, мардлик, жасорат, чидамлилик ва қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги тиришқоқликни тарбиялашга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон чемпионати доирасида мотопойга бўйича «Голос Узбекистана» газетаси соврини учун мусобақа ташкил этилиши эса вилоят мудофаага кўмаклашувчи ташкилот ва таҳририят ўртасидаги доимий ҳамкорлик алоқаларининг амалий намойиши, деб ҳисоблайман. Ана шундай ҳамкорлик туфайли газета саҳифаларида «Ватанни сев ва уни ҳимоя қил» рукни остида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини тарғиб қилишга бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик янада самарали давом этаверади.

Спорт ишқибозларини Олмалиқдаги «Қалмоққир» трассасида бўладиган мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал мусобақаларига таклиф этамиз.

АҚШ Ахборот агентлиги билан ҳамкорликда шу йилнинг 30 апрель ва 1 май кунлари соат 10⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача «Маориф ва Иш масалалари бўйича» учрашув ўтказади.
Учрашувда АҚШда ўқиш тўғрисида маърузалар, АҚШ университетлари ҳақида ўқув видеофильмлар намойиш этилади.
Тадбирда АҚШда ўқиб қайттан талабалар хорижий давлатларнинг етакчи фирма вакиллари билан учрашувлар ва улар билан ўзаро мулоҳазалар алмашилади.
АҚШда таълим олиб қайттан талабалар сизларни ушбу учрашувда кутамиз.
Тадбир Республика Таълим маркази биносида ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 80, 2-қават, 203-хона. Телефон: 45-80-56

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55